

Миллий тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси 1998 йил 17 март 5 (135)- сон

ЕТТИНЧИ БАҲОР ҚАЛДИРҒОЧИ

Ернинг елкаларига офтоб тегди. Унгида ухлаб ётган ша-
молларни баҳор нафаси уйғотди.
Кунгай йўқларда чумоли «жил-
га»лари пайдо бўлди. Қирларга
турналар кўнди. Бирон болалар
бойчақ териб, суянчилаб қиш-
лок кўчаларига бир дунё байрам
бошлаб келдилар. Ариқ бўйларидан
да хушбўй хулво-ялғизлар «сич-
конкулук» бўлди. Бутана сувлар
қишлоқнинг боғу томорқалари то-
қиларига хайбонхуш шарабатдай
йўрғалади. Катта ариқ «ёқиси»дан
буғиб, даҳларга, тўпарларга ки-
райдиган тармоқларини дехкон йи-
ғитлар хашар қила бошладилар.
Ўзини билган давлатманд хонадон-
лар қозон осиб, хашарчиларга оби
овқат тайёрлаб чиқади пешинлик-
ка.

Чўл булбуллари сайрайдиган
ёнинг серсон қоратолари тажам-
лари ёйилиб, семирдиб, зигилла-
ниб, бир қучоқ шабадага айланиб,
чишлокка фэйз қўшади. Юракда
ҳажжон, янги шодлик ва озулар
уйғонади. Қўшдан омон чиққан
кексалар ажиб илос билан би-
нашани кўзларига суриб, «омон-
сомонлик» деб алқаб қўядилар.
Янги куннинг янги шодликлари, ян-
ги ташвиш ва қувончлари, хушха-
барли келатир...

Эҳн солганимиз: тонгда сил-
лик сунада уймоқдай-уймоқдай
«у»лар пайдо бўлади: кечаси бил-
дан зувилаб кўнгиб умиб чиқади
ер бағридан. Киш бўйи ухлаган
кўнгибнинг жони исиб, қанотланиб,
ёруғ дунёга — қуёш истикболига
пешвоз чиқади. Хаёт мўъжизаси
ни қаранг! Сирзу сикотики қара-
нг. Яшашнинг, тиркилнинг гузал-
лиги хаёт ҳуқуқи учун нозик бир
маълумнинг курашини қаранг!

Инсон қалбига баҳор ҳам, эзу
байрам Наврўз ҳам шундай янги
мавжлар ола келди. Баҳорий му-
возана тег кунлик издан чиққан
туйғуларимиз, сезимларимизни,
тоқилган вужудимизни мувозана-
га солади. Мувозана тугна шундай
дунё янада гузал, сеҳрли, ранг-

ларга бой, битмас-туганмас жози-
ба, куч-қудрат, оҳангларга, илҳом-
ларга тўла экани инсонни ҳайратга
солади. Юрак соналган торга ух-
шайди: насимлар эпкингибек садо
беради... Бундай чоғда инсон ўзи-
ни гоят қудратли сезади. Мен бун-
дай ҳолни болаликдаёқ жиқ этган-
ман.

Наврўз арафасида қишлоқнинг
муёсифидилари хонш қилиб, ара-
злаб қолган одамларни яраштири-
шадди. Камбарал кенонларнинг
тандир-чўқларини тузатиб бери-
шадди. Қасалмандларнинг ҳолидан
хабар олишарди. Бугдўй ва тариқ-
дан ўза боғилни бўлмаган қишлоқ-
нинг оналари Наврўз оқшони ўла-
масдилар. Сумалаклар бошида не
бир улғ тилаклар қилинади, хо-
сиятли ривоятлар, қўшиқлар, ўла-
нар, баҳур байтлар айтилар, ҳаёт-
нинг ўзи буюк ва бетаксир байрам
эканли ҳар бир муниса аёлнинг ово-
зида, лутфу ҳазил тўла термалари-
да балқиб турарди. Уша кеча биз
бола-балалар ҳам томошабин бў-
ладик. Хонадондаги барча идиш-
оқлар сувга тўлдириларди: мой
идишни, гурчи идишни, дон сола-
диган хумми — барчасида оби хаёт
лимоқдай бўларди. Уша гаройиб
кечани оналаримиз «қозон, тўди-
кеча» деб аташарди. Йил бўйи бо-
ла-чакамизнинг, эл-улуснинг ризку
насибаси мўл бўлсин, дареларда
сув сароб бўлсин, хирмонлар оша-
тша бўлсин деган мазмун бор эди
бу оддий, лекин гузал қиримда.

Ана уша жонга дармон байрам-
лар, оналаримизнинг ноёб тилак-
лари бизнинг яримта дунёимизни
тўлдирган чаргон офтоб эди (тенг-
қурларимдан биротасининг ҳам ота-
си хаёт эмасди, қай бирлари уруш
бўронларида қолиб кетган, билра-
ли оғир меҳнатда дунёдан эрта ў-
тандилар). Халқ ўз кўнглини тўди-
риш учун, олийжаноб фазилатлари-
ни, эзу ирим-удумларини авлод-
лар қалбига сундиларини учун ҳам
байрамларни яратган экан.

Айни ашлғи 50-60-йилларда
кечган Маълумоҳон оламдан Нав-

рўз байрами ҳақида сурадим.
— У даврларда сумалакдан бош-
қасини билгимдик, болам. Наврўз-
нинг шундай улғу байрам эканини
беш-олти йилдан буён кўриб тури-
ман, — дедилар азбаройи севинчи-
дан кўзларига ёш олиб...
Дарвоқе, сумалак. Сумалакжон
қайнаётган дошқозонлар бошида
фаришталар айлиниб юрмиш.
Дошқозондаги сумалак тағига ол-
масин деб солинган тошлар Бибой
Фотиманинг дечқасида қайнаб су-
малакка айланган хосиятли тошлар
эмши. Сумалак қайнаётганда фақат
яшилликдан, эзуликдан, баракот-
дан сўйлаб, дуолар шивирларни-
миш, булар барчаси ижобат бўлар-
миш...

Узини билган халқим, ажриқ то-
мирдай яшовчан элатим ҳали ер-
дан қор кўтаришмай бугдўй унди-
риб, сумалак пишира бошлади. Қор
бўралаб, изиллаб турган мартнинг
бошида Салтанатхон опа Сиддиқ-
ка сумалакка айлиб келдилар. Ени-
мизда боғча болаларига сумалак
тиқиларди, дедилар. Тиллодай
товланиб турган бу неъмат — ме-
хру муҳаббат, шукроналик оятлари
мағзига сининган сумалак — хаёт-
нинг энг тансиқ тўқмаси, мадҳам
муми каби ардоқлидир биз учун...

Сумалак қайнаган хонадонга ба-
рака ёғилади, бало-қазо даф бўла-
ди, дейдилар. Иношаллоқ, тўйхона-
га айланган Ўзбекистонга барака
ёғилди. Бошида фаришталар чарх
уриб, уни ўзи асраётган дейман, кўн-
гли мундай эриб...

Меҳнат ва баҳор, меҳру мурув-
ват ва чинакам халқона байрамга
тўйибши бўлаётган Президентимиз-
нинг байрам тадориклари ҳақидаги
маърузаларини тинглаб, ҳаблимдан
элимизнинг шарафдадай қўшиқин,
дарелардай минг бир тўқилни,
завқ шавқ, лутфу қарам ва нафоса-
ти малаҳатга қорилган лапарлари,
«майда-майда» қўшиқлари, айти-
шувлари, мухаммасхонликлари,
меҳтарбозликлари, қўғирчоқбозла-
ри санъати қўлғимда жананглай

бошладилар. Аслида ана шу лапарлар,
баҳур байтлар, меҳтарбоз санъат-
лари эстрададангил илк нишонлари-
дир. Халқ ижодига ҳаракат ҳам, ра-
қслар ҳам, қўшиқ ва куйлар ҳам, во-
қеалар ҳам, либослару декорация-
лар ҳам гоят ёрқин ва бир-бирига
уйғун яратилган. Халқ қўшиқлари
инсонни фалонга чорловчи, эини
чоғда лаззат ва фароғат бағишлов-
чи кўтаринки илҳом меваларидир.
Эстрадамига кириб келатган ёш-
лар халқ ижодининг мана шу жи-
ҳатларига ҳам диққат қилсалар, ка-
мол топадилар. Халқ лапарларини-
нг ҳар биттаси бир митти театр де-
ражасига кўтарилади. Уларни бир
тингласангиз, узок маҳал кўнглинг-
изда мириқиб тақроллаб юрасиз.
Наврўзимизнинг ҳар лаҳзаси ана
шундай ёрқин лавқаларга бой бў-
лиши билан кўнглимизни ўстиради,
юрагимизга нур ва муҳаббат бўлиб
қуюлади. Миллий боғдаги манзара-
лар рангин паллақдай кўз олдимиз-
да яшнаб туради. Бу сайлу томо-
шадagi ҳар бир иштирокчи эртақ-
лар оламидан чиққан фаришталар-
дай, қаҳрамонлардай, ундаги рама-
лар жаннатий белгилардай бизни
лол этади. Ҳаётнинг чексиз дун-
ёсига етаклайди.

Ҳазрати Беруний оламнинг бош-
лангани деб таърифлаган Наврўз
айёмида Президентимиз ватандош-
ларига, кексао ёшга чин юракдан
тилак билдириши, юртини довлал,
улғу ишларга қорлаб туришида ҳам
ҳижмат қил...

Инжа шодликларнинг, турфа
удумларнинг ила хуш келдинг, эй
Наврўз! Тўпроқни чекак, тур бағри-
ни ипақ қилган, тоғни урса талкон
қилдирган баҳодир элға қадамнинг
кўтлуг келсин!

Яхши ниёт ила осмонга боқаман:
атлас қанотли қалдирғон момиқ ха-
вода жавлон улади. Еттинчи баҳор
қалдирғочи келади. Тинч ва осу-
да, хотирчан элларгагина қайтади
қалдирғон! Келдингми, эй Наврўз
элчисин. «Кўзим усти миннатинг
бошимга дурра...»

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси



«МТ» суратхонаси

ИЛК БИНАФША

Илк бинафшамни
кўтариб Наврўз байра-
ми ўтаётган гузал
сайлгоҳга келсам, дам
ёш дарбоз ақл-хушим-
ни олади, дам аския-
чилар тугилмаган, ку-
тилмаган ҳангомалар-
ни бири қўйиб бири
олиб ханг-манг этади.
Мен ўзимни тугул-
майман. Куламан, ку-
ламан. Қувонаман. Ат-
рофимга қарасам,
бошқалар ҳам шун-
дай. Элим-юртим нав-
рўзий туйғуларга чул-
ғаниб, бир улғу хаёл
билан яшаётгандек,
юраги бир зарб билан
тепаётгандек. Наврўз
бизни бирлаштирди,
яқин қилди. Халқнинг
ижодий руҳини уйғот-
ди.

Вой-бу! Атрофга би-
нафша ислари гурки-
раб кетдимми! Қаранг!
Сиз ҳам сезаяпсизми?

«МТ»: воқеалар, хабарлар

МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ҚАДАМЛАРИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
дастурида янги замон кишини тарбиялаш, воғга ет-
казиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бунда мамлака-
тимизда олиб борилаётган таълим ислоҳоти гоят катта
аҳамиятга эга.

Яқинда Республика таълим марказида «Таълим тўғ-
рисида» қонун ҳамда кадрлар тайёрлашнинг миллий
дастурини амалга оширишга бағишланган йиғилиш ҳам
миллий тикланиш гоёсига монандир. Йиғилишда Халқ
таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош
бошқармаси, Республика таълим маркази, Кори Ниё-
зий номдаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий
тадқиқот институти ходимлари, Ўзбекистон Миллий тик-
ланиш демократик партияси Тошкент шаҳар фаоллари
иштирок этдилар. Йиғилиш кун тартибиде умумий ўрта
таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар ва уларни ўр-
ғанишга ажратилган соатлар муҳокама этилди. Янги
қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўқувчи-
лар учун 9-синфин битиргач, яна уч йил икитийрий-маж-
бурий таълим олиш имконияти яратилди. Таълим ис-
лоҳотида мактабларда ўқитиладиган фанларга ажра-
тилган соатларни янги замон талаби асосида жорий
этиш ва дарслик, қўлланма режаларини шу асосда яра-
тиш куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Чунки
янги ёзиладиган қўлланма, дарсликлар ҳажми, мазму-
ни ана шу фанларга ажратилган соатларга ҳам боғлиқ-
дир.

Йиғилишда Ўзбекистон тарихи, география, ўзбек ада-
биёти, физика, математика, информатика, химия, био-
логия, одобнома, динлар тарихи ва бошқа фанлар бўйи-
ча белгиланган соатлар атрофида муҳокама этилди.

Миллий тикланиш жараёни давом этмоқда. Бунда
ҳар бир миллатдошамизнинг онгли сазй-ҳаракати бир-
ламчи аҳамият касб этади.

Т. ТОШЛОНОВ

Дунёда байрамлар кўп. Аммо улар орасида Наврўз ўз

мазмун-моҳиятига кўра алоҳида ажралиб туради. Унинг
кеча ва кундуз тенглашиб, табиятдан уйғонши бошланган
дамларда нишонлангани замирида теран маъно ётади.

Наврўзнинг келиб чиқиши, хислату хусусиятлари ҳақи-
да фозилу фозиллар, жаҳонга донги кетган донишманд
олимлар шoirлар, тиббиёту табииёт илмининг зуққолари
ўз фикр-мулоҳазаларини битиб қолдирган. Зеро, 22
мартда тун билан кун баро-
барлашади. Шу лаҳзалардан
этиборан бутун борлиқда
тенглик пайдо бўлади. Барча
жонотлар, ҳатто, жонсиз то-
шу темирлар ҳам табият ҳи-
матидан баҳра ола бош-
лайди. Инида қарахт ётган
илонлар бир кўзғалиб кўяди.
Сўнгра кунлар узайиб, ёруғ
тобора кўпая боради. Олам
гуллаб-яшнаб бошлайди. Табиат гўё: «Эй, одамзод,
мен сенинг кундузларингни узайтириб, кунларингни фэйзий-
қилмоқдаман. Сен мендан олган ёруғлиқни, фэйзую
қалбинга то қил, дўсти биродарларинг ҳаётини эз-
гулик нури ила ёрит, доимо яхшилик қилишга шошил»,
деётгандай бўлади.

Наврўз ҳақида гап кетганда, Юсуф Хос Ҳожибининг «Ку-
тадғу билмиг» («Саодатга бошловчи билим») китобидаги
қуйидаги сатрлар беҳитийр ёдимизга тушади: «Авал шар-
қдан баҳорий насиб эсиб келади, бу оламни беэаш учун
жаннат йўлини очади. Оқ ранг (қор) кетиб, ерга ифор
тўлади ва ҳаммаёқни алвон-алвон ранг эгаллайди, чунки
олам безанмокчи истаиди. Баҳор шабадаси совуқ кишини
хайдайди, мусаффо, ёқимли баҳор яна ўз хужмини юрота
бошлайди. Япроқларини тўкиб, қорга бурканган, киш бўйи
ухлаб, уйқудан уйғонган дархатлар яна яшил қийнади,
олам оқ, сарик, қўқ, қизил ранг билан безанади...»

Ўзбекистон мустикаллиқка эришгач, Наврўз янгича маз-
мун-маъно касб эта бошлади. Қадр янада баландлашди.
Дарвоқе, ҳар бир халқнинг маданияти ва жаҳон айвони-
даги макъеи, энг аввало, унинг байрамлари орқали били-
нади. Кейинги 5-6 йил давомида сеvimли Наврўзимиз
ниҳоятда ранг-баранглашиб, халқимиз ҳаётига ҳар қачон-
гидан кенгрок кириб борди. У бир ой давомида нишонла-
надиган бўлди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан кел-
ган меҳмонлар Наврўз билан боғлиқ бир-бирдан гузал,
сермаъно тadbирларда иштирок этиб, халқимиз ўзлигини

МЕХР КУНДА КЕРАК

да мўл-қўл, баракали бўлсин» дея, ерга қўш солади, дон
сепайди, эл-юрт ишига ривож тилаб, дуога қўл очдилар.

Болаларнинг тўп, чиллақ, «зув-зув», «халпақтош», «Оқ
тераки», «кўк терак», яшинмачоқ, арқон тортиш каби
уйинларию чанқовуз чалиш, бешқарсақ, пазандалик,
оилада меҳмон кутиш, қўшиқлар ижро этиш, рақсга
тушиш каби кўндан-кўп намойишлар ҳам беъэтибор
қолмайди. Ғолибларга совғалар улашилади. Спортчи
ёшлар рағбатлантирилади, қилларга уй-рўзгор юри-
тиш тартиб-қоидалар, меҳмон кутиш одоби ўргатилади.
Хаваскор хонанда-созандаларга, раққос-раққоса-
ларга тангили санъаткорлар томонидан миллий-жаҳон-
ий мусиқа ва қўшиқлар, рақслар ижроси бўйича жуя-
ли маасхатлар, энг иқтидорлиларга эса оқ фотиҳа
берилади.

Наврўзнинг алоҳида эътиборга молик яна бир ша-
рофати шундан иборатки, оралари бузилиб, аразла-
шиб қолган одамлар, оилалар маҳалла оқсоқоллари,
обрули, макъели кишилар томонидан яраштириб қўйи-
лади. Халққа хизмати синган кишилар тақдирланади,
бандилар гуноҳи кеңирилади, урушлар тўхтатилади.
Бундай ибратли ишлар бир неча асрлар давомида
қўланиб келинганлиги одамларга чексиз қувонч ба-
ғишлаган.

Баҳор айёми — Наврўз барчамизга кўтлуг бўлсин!
Сабоҳат БЕРДИМУРОДОВА,
халқ таълими аъlochиси

ИСПОМ КАРИМОВ НАВРЎЗ ҲАҚИДА

Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий,
энг сеvimли байрамидир. Уни ҳар бир инсон, ҳар
бир оила эрзиқиб кутади. Мамлакатимизда
байрамлар кўп. Лекин Наврўзнинг таровати, шу-
қуҳи ўзгача. У, аввало, табиятнинг уйғонши байра-
мидир. Баъзан ҳаёт ташвишлари билан бўлиб та-
биятга узвий боғлиқлигимизни унутиб қўямиз. Ва-
ҳоланки, инсон табиятнинг энг олий маҳсулидир.
Наврўзнинг иккинчи хусусияти у бизнинг мил-
лий байрамимиздир. Ота-боболаримиз минг йил-
лардан буён Наврўзни шодлик ва бахт айёми си-
фатида нишонлаб келади. Наврўз миллий қад-
риятларимиз муҳасаммалашган, миллатимизга хос
ва мос байрамдир.

Баъзан Наврўзни динга қарама-қарши қўяди-
лар. Наврўз диндан олдин пайдо бўлган. Унинг
анъаналарида динга ҳеч қандай қарама-қарши-
лик йўқ. Наврўз яшариш байрамидир. Табиат
уйғонса, одамзод яшаради. Унинг қадрияти кў-
тарилиб, дунёқарашини ўзгаради. Чунки у табият-
дан куч олади.

Наврўз орзу-умиддор байрамидир. Баҳор бош-
лангани билан дехқон ерга уруғ сочади, боғбон
кўчат экиб, боғ барпо этади. Буларнинг ҳаммаси
унинг эртанги кун орзулари билан яшаётганидан,
ҳаётнинг абадийлигидан далолатдир.

Наврўз меҳр-мурувват айёми, инсон ҳаммаша
табиатга ошиқади. Чунки одамзод табият қўйни-
да покланади, унда олийжаноблик, меҳрибонлик
хислатлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Нав-
рўзда кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар
олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрса-
тиш халқимизнинг азалий одатига айланган. Бу
ишда саховатпеша, савобталаб ишбилармонлар
барчага ўрнат бўлиши керак.

Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган,
ўзига хос яна бир жиҳати — мафқурадан, сиб-
сатдан холи умумхалқ байрам эканлигидир.

ТИКЛАНИШ ДАВРЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Юз йиллик фурсат, эҳти-
мом, кекса тарих учун унчалик
салмоқли эмасдир. Аммо
қайсидир бир гўноҳ учун қул-
ликка маҳкум этилган миллат
тақдирини бунча вақт жуда
катта йўқотишлар беради. Биз
ҳам қарамликда яшаган йил-
ларимиз аста-секинлик билан
миллатлик белгиларимиздан
маҳрум бўла боғрамиз. Бу-
лар:

- Байроқ,
- Герб,
- Тарих,
- Тил.

Пул ва ҳокказолар.

Натижада суқларни заиф-
лашган, илғиғи пучабий дар-
монсизланган жисмдай ганди-
рақлаб, қадам ташлашимиз
қийинлашган. Бора-бора «ўти-
риб қолганимиз».

Энди модомки ўзимизни
мустикал деб эълон қилган
эканизми, миллат сифатида
қайтадан тикланишимиз за-
рур. Утирган ё ер бағирлаган
халқни жаҳон майдонида ҳеч
ким сезмайди. Бунинг устига
унинг ўзи ҳам шу ҳолатда би-
рон яхшиликка яраши қийин.

Ўзбекистон «Миллий тикла-
ниш» демократик партияси-
нинг асосий вазифаси тикла-
наётган миллатга мададкор
бўлиш. Унинг барча сазй-ха-
ракатлари ана шу мақсад йў-

ларида хизмат этади.

Кўни кеча «Миллий тикла-
ниш» демократик партияси
Тошкент шаҳар ва Сирғали ту-
мани хайъатларининг Сирғали
туман ҳокимлигини билан
биргалиқда ўтказилган йиғи-
лиши ҳам шу катта мақсадни
бир нуқтасидир. Йиғилиш-
да «Таълим тўғрисида»ги қо-
нун ва миллий кадрларни
тайёрлаш дастурининг моҳия-
ти ва ундан келиб чиқадиган
масалалар», «Аёл ва оила»
мавзуларида билан мунозаралар,
савол-жавоб тарзида очиқ му-
лоқот бўлди. Уни партия Тош-
кент шаҳар кенгаши раиси И-
броҳимжон Абдуғаниев очди.

Академик лицейлари, касб-
хунар лицейлари миллатимиз
тикланишида қандай вазифа
бажаради? Нега ҳукуматимиз
мактаб партасындаёқ бола-
ларнинг кейинги тақдирини
ҳақида қайғуриб, таълимнинг
қатий тўхталарини бўлиши ке-
раклиги ҳақида бунчалик ғам-
хўрлик қилмоқда?

Кадрлар тайёрлаш Миллий
дастурининг амалга ошишида
Оила, Аёл зиммасида қандай
масъулиятлар турибди?

Ўзбекистон «Миллий тикла-
ниш» демократик партияси

НАФАҚАХЎРЛАР НОРОЗИЛИГИ ТАГИДА НИМА БОР?

Шу ойнинг 3 мартда Ри-
гада русийзабон пенсио-
нерларнинг норозилик на-
мойиши бўлиб ўтган, на-
мойишга расмий ижозат
этилмаганлиги боис у Ри-
га полицияси томонидан тар-
қатиб юборилган эди. «Бол-
тиқбўйидаги русийзабон
аҳоли ўртасида фаолиқин-
г кучайиши бу минтақада
ватандошларнинг ҳақ-ху-
қуқларини қатий суратда
ҳимоя қилиб қилмишга кат-
та имконият туғдиради»,
деб ёзади «Российские
вести» газетаси. Шу пайт-
гача Болтиқбўйи мамлакат-
ларида инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш масаласида
қатий ҳужумга ўтиш учун
Россияга баҳона етишмай
турган эди. Ригадаги на-
мойиш куч билан тарқатил-
ди. Инсон ҳақимаси кес-
кин ўзгариб кетди. «Моск-
ва эди Болтиқ ўлкаларига
нисбатан қаттиққўллик бил-
лан сибсат ўтказиши учун
қулай имконият туғилган
бўлса керак», деб ҳулоса
қилади газета. Риганинг

қўнғи хайъати раиси му-
вини, фалсафа фанлари до-
ктори Тўшпулат Тошловон,
«Саодат» журнали бош муҳар-
рири, Ўзбекистон халқ шои-
раси Ойдин Ҳожиёвалар шу
масалалар атрофида фикр
юртидилар.

Ўзбекистон халқ демократик
партияси Сирғали тумани
кенгаши биринчи котибаси
Барно Исқоқова, туман ҳоким
муовини, хотин-қизлар қўми-
таси раиси Феруза Орипова,
Республика маънавият ва ма-
даният жамоатчилиқ маркази
Сирғали туман бўлими бош-
лиғи Зульфия Мўминова ва
бошқалар барча давлат ва
жамоатчилик марказларининг
мақсади муштарак эканлиги-
ни, зийиллар — боғча, мактаб
мураббийлари, муаллимлари,
маҳалла фаоллари бугун ҳар
доимидан ҳам ҳаракатчанрок
бўлишимиз зарурлигини
таъкидладилар. Йиғилишда
Сирғали туман ҳокими Мид-
хад Йўлдошев, Миллий тикла-
ниш партияси шаҳар кенгаши
раисининг ўринбосари Саид-
восит Файзуллоев ва бошқа-
лар иштирок этишди.

Қутлибека РАХИМБОВА

ЎЗЛАРИНИ ЁҚИБ ЮБОРИШМОҚЧИ

Арманистон президенти
сайловда иштирок этиш учун
уч номзод рўйхатга олинди.
Улардан бири ҳозирда Ар-
манистон бош вазири лавозими-
да ишлаб турган — Роберт
Кочарян. Ун сазкиз кишидан
иборат марказий сайлов ко-
миссиясининг етти аъзоси со-
биқ Тоғли Қорабоғ президен-
тини Арманистон фуқароси
деб ҳисоблашга асос йўқ, деб
топдилар. Шу боис агар Ко-
чарян жаноблари сайловда го-

либ чиққан чоғларида ҳам ан-
ча пайтларгача ўз муҳолифа-
ларининг қаттиқ зарбаларига
дош беришига тўғри келади.
Мабодо... сайловда етарлича
овоз ололмасан, Степана-
кертга қайтиб кетаман, деб
айтмоқда жаноб Кочарян.
Бу орада сайлов компания-

жасо белгиланган. Текши-
ришлар натижасида фо-
зияга учувчиларнинг хато-
га йўл қўйгани сабаб бўл-
гани аниқланган. Ҳарбий
тайёрга Италиянинг шимо-
лида жойлашган қанчи учу-
лидагидан курут устидан
учиб ўта туриб қаноти бил-
лан осма йўлнинг симини
узиб юборган эди. Натижа-
да йигирмата сазъатчи
тушган гондола 200 метр
баландликдан пастга қулаб
тушган ва уллар фожияли
тарзда ҳалок бўлган эди-
лар. Текширишларда тай-
рга жуда паст баландликда
учгани ва боз устига тез-
лиқни хатарли даражада
оширган маълум бўлди.

Бундан ташқари тайёрга
экилажи фойдаланган ҳар-
ятлар эскириб кетган ва
уларда осма йўл ўтказил-
гани қайд этилмаган экан...

«Рейтер» агентлигининг
маълум қилишича, бош ва-
зирнинг 14 яшар ўғли Эван
мактабдан ўқишни тугатиб
қўчага чиққанда бир тўда
шумтақа Қосмирлар унга та-
ланганлар. Бош вазир
матбуотнинг бу воқеа атро-
фида шов-шув кўтарганидан
норози бўлган. Менинг фар-
зандларим жамоат арбобла-
ри эмаслар, шунинг учун
улар ўз ҳаётлари билан
яшашига тўла маънода ҳа-
қилдилар, деган бош вазир.
Блайр матбуотни огоҳланти-
риб, болаларимиз ҳақида
ёзиш ва уларни суратга
олишга фақат бизнинг ро-
зилигимизни олгандан
кейингина ҳақилдилар, деб
айтди.

БОЛАРИМИЗНИНГ СУВРАТЛАРИНИ БИЗНИНГ ИЖОЗАТИМИЗСИЗ ГАЗЕТАЛАРДА БОСИБ ЧИҚАРМАНГ...

Британия бош вазири
Тони Блайр Косоводаги
воқеаларни тинчлик ва му-
зокаралар йўли билан ҳал

ҚАЛБ ЭҲСОНИ

«Инсон — бахт учун туғилди» деб номланган китоб ҳикматли фалсафий-назарий йўл-йўриқлар мажмуи. Улар мамлакатимиз раҳбари, академик Ислам Каримовнинг журналистлар билан суҳбатлари, рисолалари ва китобларидан йиғиб жамланган.

қир эҳтиёжлари дунёга келтирадиган янги мутафаккир элларнинг ҳаёт тажрибалари, сўзлари орқали зуҳур этади. Президентимизнинг фикр-ўйларига жамланган китоби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тайёрланган.


Бизнинг мустақил давлатимиз бирон бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қилиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунмиш учун мустақил бўлгани йўқ.

Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур таъзиядан, кулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайд.

Миллатиш мавзулари

Анджон салобатли шаҳарга айланмоқда. «Маркетинг», «Ямбол», «Наврӯз», «Ешлик» савдо уйлари, кўркам автомобил бекатлари, Миллий банк Замин, Алко, Галлабанк бинолари шаҳарга ҳам замонавий, ҳам ўзига хос миллий рўҳ киритмоқда.

тектиришга вақтлари йўқ. Деярли ҳар куни икки онахон билагига қизил мато болаб, талабчилик билан тектиришга чиқадилар. Уларни кўпинча «Тиббиёт олийгоҳи» бекатида кўраемиз.



«МТ» суратхонаси



«МТ» суратхонаси

Мехнатқаш, очикўнгил, меҳмондўст халқ енг шимариб, ғайрат қилмоқда. Ғайратта минган кишиларга турмушда қулайликлар яратганга, кишиларнинг оғирини енгил қилганга нима етсин?

«Сизнинг ишингиз бўлмасин!»... Юқоридаги автобусларнинг кўпи «Шоҳбекат — Анджон Кишлоқ ҳўжалик олийгоҳи» ва «Ирмаш — Шифокорлар шаҳарчаси» йўналишида йўловчиларга хизмат қилади.

«Қўлашлик кимга ёқмайди»... Афсус, бу ибратли хизматлар каторида кўпол ва сира мурося қилиб бўлмайдиган нуқсонлар ҳам бор.

«Сизнинг ишингиз бўлмасин!»... Биз хизмат узасидан шаҳар ичи ва унинг атрофидаги йўналишлардаги автобусларга чиқиб, тайёрловчи ташкилотларга, корхоналарга борамиз.

НЕГА БИЗНИ ЁМОН КУТТИРАСИЗ?

Навоий шохўчаси янги ва эски шаҳарларни боғлайди. Бу қатнов йўлидаги 1-, 2-, 3-, 8-, 9-, 394-автобуслар 1-, 3-, 5-, 33- ва 111-йўналишдаги таксилар, 2-, 3-тролейбуслар йўловчиларнинг узогини яқин қилади.

«АМАКИ, СИЗГА ТАКЛИФ КЕРАКМАСМИ?»... Кўпчилик йўловчиларнинг истак ва хоҳишларини эшитиб юриб, уларни жамлашга, улар автобус саройлари раҳбарларига маъқул бўлиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш яхшиланиб қолса, нур устига нур бўлар, деган умид билан ёзаётиримиз.

ҒОЙИБ БЎЛГАН АВТОБУСЛАР

Анджон «Ирмаш» заводидан Шифокорлар шаҳарчасига қатнайдиغان 16-йўналишдаги автобуслар 1-, 2-, 4-, 5- микроавтобонда, Санасот маҳалласи, Бобур шохўчасида истикомат қилувчиларнинг оғирини енгил, узогини яқин қиларди.

«АМАКИ, СИЗГА ТАКЛИФ КЕРАКМАСМИ?»... Кўпчилик йўловчиларнинг истак ва хоҳишларини эшитиб юриб, уларни жамлашга, улар автобус саройлари раҳбарларига маъқул бўлиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш яхшиланиб қолса, нур устига нур бўлар, деган умид билан ёзаётиримиз.

«ДУОҒУЙЛАР»

Шаҳарда транспорт катновини тартибга соладиган назоратчилар кўпу лекин уларнинг назорат қилишга, чипта сотилишини мунтазам

Ваҳобжон ДАДАБОВЕВ,

Анджон тумани ҳокимлиги қошидаги далаат назорлиги идорасининг раҳбари

Давр қўшиқлари

Хусниддин ШАРИПОВ

ЖОНИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН

Эй, гўзал бўстонимиз, Сенда жисму жонимиз, Орзумиз-армонимиз Сен билан, Ватан, Жонимиз Ўзбекистон, Шонимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон.

Фахр этарди тилла гар Бўлса сендай жилагар, Тонгда офтоб жилмагар Сен билан, Ватан, Жонимиз Ўзбекистон, Шонимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон.

Ёш тилаклар суръати, Ёш биллақлар қудрати, Ёш юраклар журъати Сен билан, Ватан, Жонимиз Ўзбекистон, Шонимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон.

Энди гўнчанг гул бўлар, Куй-қўшиқ ҳам мўл бўлар, Бизга бахтли йул бўлар Сен билан, Ватан, Жонимиз Ўзбекистон, Шонимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон, Номимиз Ўзбекистон.

ДЎСТЛИК ВАЛСИ

Ўзбекистон — дурдона юрт, Покиза эл, мардона юрт. Шукронаки, бўлмиш насиб Барчамизга бир она юрт. Гул терайлик, ҳай дўстларим, Кўл берайлик, ҳай дўстларим.

Ўзбекистон — ҳумойлигим, Қудратлигим, чиройлигим. Олтин, кумуш зийнат бўлар, Дўстлик меннинг чин бойлигим. Гул терайлик, ҳай дўстларим, Кўл берайлик, ҳай дўстларим.

Истиклолнинг гоялари — Халқнинг суняч қоялари. Шодмон яшаб, бўлсин омон Иқболимиз доялари. Гул терайлик, ҳай дўстларим, Кўл берайлик, ҳай дўстларим. Рақс айласин қирғиз, қозоқ, Арман, татар ҳам русларим, Рақс айласин форс, украин, Хинду хитой улусларим, Кўл берайлик...

Маълумки, ўлкамиз зироатчилиги кўпмигиллик тарихга эга. Аму, Сир, Зарафшон дарёлари воҳаларида деҳқончилик анча қадимги даврларда пайдо бўлганини археологик қазилмалар натижалари ҳам тасдиқлайди. Худудимизда илк давлатлар вужудга келган, йирик суғориш иншоотлари — анҳорлар, тўғонлар, сув ombорлари барпо этилган, кўплаб ариқлар қазилган, экинзорлар кенгайтирилган. Урта асрларда ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан йиғиладиган солиқ, яъни хирож давлат хазинасининг асосий даромад манбаи ҳисобланган. Шу боис зироатчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги тажрибалир умумлаштирилиб, махсус асарлар битилган. Уларнинг кўплари амалий қўлланимлар тарзида бўлиб, экин экиб парваришлаш, боғ яратиш, табиий офатлар ва зараркундаларга қарши кураш ҳақидаги фойдали маслаҳатларнинг ўз ичига олган. Бироқ аждодларимиз томонидан яратилган зироатчиликка оид асарларнинг аксарияти турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаган.

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 565-рақамли ноёб кўлэзма китоб сақланмоқда. У ўрта асрларда форс тилида битилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги оид иккита қимматли асарни ўз ичига олади. Биринчиси — «Фанни қишту зироат» яъни ўтмишда ҳам кенг тарқалган бўлса ажаб эмас. Ҳарқалай, у 1906 йилда Когон шахрида тошбосмада чоп қилинган. Бу асар бизнинг давримизга келиб кўлэзмаси ва тошбосма нашри асосида шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва 1991 йили «Зироатнома» номи билан «Меҳнат» нашриётида босмадан чиқарилди. Аммо иккинчи асар ҳалигача кўпчиликка яхши маълум эмас. У Ниёзий деган муаллиф қаламига мансуб бўлиб, «Иршод ўз-зироат» («Зироат дастури») деб номланади. Биз ушбу асар ҳақида М. Абдурахмоновнинг «Ўзбекистон Фанлар Академияси ахбороти» журналининг 1956 йилги 6-сонида босилган рус тилидаги мақоласидан бошқа бирон бир махсус тадқиқотни учратмадик.

Ниёзийнинг қайд этишича, асар ҳижрий 921 (милодий 1515) йилда ёзиб тугатилган ва теурий шахзодалардан Султон Маҳмудга бағишланган. Унда асосан Ҳирот вилоятининг қишлоқ хўжалиги тавсифланган муаллифининг шу музофотдан, Султон Маҳмуднинг эса Хуросоннинг собиқ подшоҳи Султон Хусайн Бойқаро авлодидан эканлигини билдиради.

Асар каттагина муқаддима билан бошланади. Дастлаб келтирилган шерий мадҳияда оламдаги барча гўзалликлар ва ноз-неъматлар иҳодқори Аллоҳ эканлиги таъкидланади. Барча жонли ва жонсиз мавжудотлар, жумладан, ерга ташланган дон ёки сарв дарахтига қўниб турган мусича ҳам ўз тилида Парвардигорга ҳамду санолар қўши маҳорат билан тасвирланади.

Муқаддима, шунингдек, улуг қишиларнинг зироатчилик фойдалари ва деҳқончиликнинг бошқа касблардан афзаллиги ҳақидаги фикрлари билан бойитилган: «Рукниддин Алоуддава Симоийи шундай деганлар: «Ҳазрат Аллоҳ таоло ер ва экинзорларни ҳикмат билан яратган ҳамда унинг обод бўлишини ва ундан халққа фойда етишини истади. Иморат ва зироат ишлари қанчалик савоб эканлигини билган кишилар ҳаргиз бу касбларни тарк этмайдилар. Иморат ва зироат қилмасдан ерни қаровисиз ташлаб қўйиш қанчалик гуноҳ эканлигини одамлар билишса эди, ҳаргиз бу номаъқул ишни қилмасдилар. Агар ҳар қандай деҳқоннинг ери бўлиб, ундан ҳар йили минг ман (ман — оғирлик ўлчови) галла олиш мумкин бўлса-ю, у камчилик ва бепарволиклар туфайли ўз еридан 900 ман ҳосил олса, халқ халқмуға етмаган ўша юз ман учун қиймат кунда ундан жавоб сўралади.

Агар бир дарвешнинг иморат ва зироатга ярарлик ҳоли бўлиб, бу ишларга киришса ва шу билан бирга, ибодат уруғини дил экинзориға экса, у қандай бахтиёр дарвешдир. Аммо дангасалик туфайли ерга ишлов бермай қаровисиз қолдирса-ю, бунга ўзича тарқидунда ва зоҳидлик деса, бу ҳолда шайтон йўлга киришди бошқа бирон нарса ҳосил бўлмайди. Зеро, бекорчи одамдан ҳам тубанрок махлук йўқдир».

Муаллиф яшаган даврда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг улуг инсоний таълимоти халқ орасида кенг ёйилганини назарда тутсақ, юқоридаги сўзлар ва ҳазрат Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» шиори бир-бирига жуда ҳамоҳанглиги ажабланарли ҳол эмас.

Ниёзий китобни яратишга киришаркан, жуда кўп асарларни

ўрганиб, давлат қишиларнинг зироатчилик ҳақидаги фикрларини деҳқончилик касбу-қорига берган юксак баҳоларини йиққанини ва улардан айримларини қайси манбадан олганини кўрсатган. Жумладан, бундай деб ёзади:

«Нақд қиладиларки, бир кун подшоҳ Султон Абусаид Кўрагон ўз салтанати ибтидоида дорумулук Самарқандда ҳазрат Ҳожаий мазкурнинг (яъни, Убайдуллоҳ Аҳрор) хос мажлисига келиб катта ихлос билан Эшондан ўзига насиҳат қилишларини сўради. Ҳазрати Эшон дебдилар: «Дунё ва охиратнинг қилими мана бу тўрт калимадир, ҳар қим унга амал қилса, ҳар икки дунё давлатига мушарраф бўлади. Биринчиси — Ҳақ таолога таъзим қилиш, иккинчиси — Ҳазрат пайгамбар суннатларини азиз тутиш, учинчиси — Худонинг халқига шафқат қилиш ва тўртинчиси — зироатчилик билан шугулланиш. Ҳазрати Султон бу тўрт калимани қабул қилиб, унинг ҳақиқатини қалбу жонига сингдириб аҳд қилибди: «Ҳазрат Ҳақ субҳонаху ва таоло менга давлат берган экан, ушбу калималарга амал қилгумдир».

Бас, юмушларнинг энг яхшиси зироатни кенгайтириш учун

ЗИРОАТЧИЛИК ВА ЧОРБОҒ ҲИҚМАТИ

жон қуйдириш ва одамларни зироат ва иморатга тарғиб қилиш, шунингдек, қоризлар, анҳорлар, ариқлар бино қилишда том даражада сай-ҳаракат қўрғушидир. Шунда дунёвий ва ухравий саодат ниҳолдан бехисоб мевалар ва саноксиз фойдалар вужудга келади. Дин акобиллари ва яқин (ҳақиқат илми) улуглари таъжир ва асар китобларда тасриҳ (баён) қилинган ҳақиқат шунки, касбларнинг энг афзали зироатдир».

Шундан кейин муаллиф деҳқончиликни илк бор Одам Ато алайҳиссаломга ҳазрати Жаброил ўргатганини баён қилиб, унинг қадимий ва шарафли бир касб эканлигини таъкидлайди. Асарда келтирилган Ер юзидан биринчи марта экин экилиши ҳақидаги ривоят қисқартурилган тарзда қуйидагичадир:

«Ҳазрат Одам садиқуллоҳга деҳқончилик касби ўргатилишининг баёни шунки, бир кун ҳазрат Жаброил алайҳиссалом Ҳазрат раббил оламин фармонига кўра Одам Атони парвариш қилиш учун ер юзасига таъриф буюрди ва ундан ҳол-аҳвол сўради. Ҳазрат Одам алайҳиссалом шикоят эмас, балки ҳикоят тарихида ўз паршон ҳолати ҳақида ҳазрат рух ул-қудс (Жаброил)га бир оз хабар берди: «Ўз нарсим дағдағасидан изтиробдаман. У туфайли ҳазрат Ҳақ таоло ибодатига лозим тарзда киришолмаяман ва бу ҳолатдан жуда хижолатдаман».

Ҳазрат Жаброил бориб Одамнинг аҳолини ҳазрат Ҳаққа арз қилиб қайтиб келган, «Бу очлик иллатидир», деди ва унга икки ҳўкиз берди. Ҳазрат Одам ҳазрат Жаброил устозлигида ер ҳайвоб учун темирдан сўқа ясади. Жаброил беҳишдан бир халта келтирди. Унда бугдой доклари бор эди. Уруғ экиладиган, ҳазрат Одам алайҳиссалом экан жойдан бугдой, ҳазрат Ҳаво экан жойдан эса арпа кўкарди. Шундай ривоят қилинадики, ҳазрат Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолога арз қилибди: «Илоҳи, уруғ бир, сув ва ер ҳам бир. Мен экдим, бугдой кўкарди, Ҳаво экиди, арпа кўкарди. Бунинг сабаби нимада?» Фармон келдики, бу ишининг содир бўлиши ва нуқсон Ҳаво туфайлидир. Чунки у фирибгар шайтонга алданди. То олам аҳлига маълум бўлсинки, жазо қилимига яраша бўлади».

Муқаддима сўнггида муаллиф асарнинг саккиз бобдан иборат эканлигини айтиб, боблар номини келтирди:

«Биринчи боб: Ерни билиш ҳақидадир. Ҳазрат Аллоҳ таоло субҳонаху Ернинг ҳар бир парчасига ҳосият берган бўлиб,

мазкур боб улар қай даражада галла, узум ва мева бериш ҳақидадир.

Иккинчи боб: Экин экиш ва ниҳол ўтказиш пайтида мақбул соатларни ихтиёр этиш ва муқаддас Қуръон оятларидан қайсыларини ўқиш лозимлиги ҳақида.

Учинчи боб: Галла ва бошқа экинларни етиштириш ҳақида. Тўртинчи боб: Жўяқ олиш, тоқ ўтказиш, узум етиштириш ва тоқ қирқиш ҳамда узум ромларини билиш ҳақида.

Бешинчи боб: Қовун, тарвуз, бодринг, пиёз, шолғом, шивит, пудона, исфноҳи, қарам, бақлажон, саримсоқ, гандан, сабзи, қашнич, себарга каби экинларни экиш ва уларнинг фойда-зарарларини билиш ҳақида.

Олтинчи боб: Қаламча, пиёз ёки ниҳолдан гул, райхон ва буталар қўқартириш ва уларни парвариш қилиш баёни.

Еттинчи боб: Дарахтлар, уларни пайванд қилиш, ниҳол етиштириш, асалари сақлаш, ёрни дарахтларга тақсимлаш, турли дарахтларни суғориш пайтлари ҳақида.

Саккизинчи боб: Дарахт, гул ва райхонларни боғбонлик қондаларига ривож қилган ҳолда чорбоғларда бир-бирларига мутаносиб қилиб экиш».

Афсуски, асарнинг айрим боблари сақланиб қолмаган. Мавжуд бобларнинг ҳам баъзилари тўлиқ эмас.

Биринчи боб сарлавҳаси мазмунидан маълум бўлганидек, тупроқшуносликка бағишланган ва бу фаннинг тарихи ўлка-мамлада анча қадимги даврлардан бошланганини тасдиқлайди. Унда қумли ва қуми кам, бошқа хил тупроқлар ҳақида сўз юритилиб, улар қанча сув талаб этиши, ҳосилдорлиги ва ҳоқа-золар баён қилинади. Ерларнинг шўрини кетказиш ёки бот-қоқликларни қай тарзда қуритиш ҳақида фойдали маслаҳатлар берилди. Муаллиф Ҳақ таолодан ердан ҳам яхши ҳосил олиш кўп жиҳатдан унга қанчалик ишлов бериши, ўғитлаш ва вақтида суғоришга боғлиқдир, деган ҳулосага келади. Бобда ҳар бир ер парчаси ёки экин турига қандай ўғит кўпроқ фойдали эканлиги ҳақида мулоҳаза юритилди. Масалан, гўзадан бўшган ерни, бошқа экин экиш олдидан, тўя гўнги билан ўғитлаш лозим дейилади. Токзорларга эса эски паҳса девор тупроғи ёки ариқ тубидаги лойни қуритиб солиш маслаҳат берилди.

Иккинчи бобда қайси мuddатлар экин экиш ёки ниҳол ўтказиш учун қулайлиги эслатилади. Муаллиф: «Илдинг 24 кун оқибатсиз кунлар бўлиб, бу кунлар ҳеч бир ишни бошламани маъқул, бошлаганида ҳам у яхши тугамайди», — деб оғохлан-тиради ҳамда улар қайси ойларнинг қайси кунлари эканлиги ҳақида маълумот беради. Сунгра экин экиш ёки ниҳол ўтказиш пайтида қўлинадиган дуоларни келтиради. Шунингдек, экинни офат-балолардан асраш учун қайси оятларни қозғоғза ёзиб, экинзорнинг турт бурчига чўнға олиб, осиб қўйиш юзасидан маслаҳатлар беради.

Галла экинлари ва уларнинг турлари ҳақидаги учинчи бобда муаллиф, айниқса, бугдойни таъриф-таъсиф қилишга кенг ўрин ажратган. Жумладан, бугдой навлари, қайси нави қандай ерга экиш мақбуллиги, қачон экилиши ва қачон етилиши, даштада ёки тоғ ён-бағирларида қайси навларнинг кўпроқ ҳосил бериши, шунингдек, совуққа бардошли навлар ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Дарахтларга бағишланган бобдан ўрик, бодом, pista, шафтоли, анор, беҳи, нок, олма, олҳўри, гилос, анжир, ёнғоқ, жийда, тут каби мевали ва тоқ, терак, чинор, сарв каби манзарали дарахтлар ўстиришга доир амалий йўл-йўриқлар ўрин олган.

Асар гарчи зироатчиликка бағишланган бўлса-да, муаллиф унинг бадий жиҳатдан ҳам ўқишга бўлишга эътибор билан қараган. Ҳар бир гул-райхон ва мевали ёки манзарали дарахт ҳақида унинг хабарлари хусусияти тавсифланган шерий парчалар келтирилган. Чунончи, анор ҳақида ёзаётиб, шу байтни эслagan:

Турфа арусон даруни анор, Хужраншинанд ҳамма пардадор.

Таржимаси:

Анор ичиде турфа келинлар, Юзларига парда тортиб хужраншинин бўлишган.

Ниёзийнинг чорбоғлар яратиш, қайси дарахт ёки райхонлар қай тарафга ва бир-бирларига нисбатан қандай мутаносибликда экилса, чорбоғ бўлиши ҳақидаги фикрлари ҳам қизиқарлидир.

Ғулom ҚАРИМ, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

ҲАР КИМНИНГ СЎЗЛАШУВ ДАҲТАРИ БЎЛСИН...

ТРИПТИХ

ПАРИЖДА ОНА ЗАМИНИНИ ҚУМСАГАНЛАР

Парижнинг бир-бирдан гўзал кўчалари бўйлаб саёҳат қилган киши Гюстав Флобер таърифлаб оламагаш машҳур этган Бовари хонимларини учратиб қоламан, деб хаёл қилиши ҳам мумкиндир. Аслида эса давр, талаб, муҳит, мода ўзгарган. Парижликлар ҳам.

Француз аёллари «гап-гаштак»да юрмайдилар. «Қиз мажлиси» бу ерда одат тусига кирмаган. Хотин-қизларнинг бирор жамияти ёки клуби ҳам йўқ. Лекин шу аёллардан бири — Полина Виардо билан буюк И.С.Тургенев дўстлашиб қолганини, унга сўнгги хижоиси — «Тамом»ни (номи ҳам рамзий маънога эга бўлган) шу ерда француз тилида айтиб ёд ёздирганини билардик. Бир неча кундан кейин бандликни бажарган Иван Сергеевичнинг жасади солинган тобутни парижликлар Шимолий вокзалда кузатиб қолган эдилар. Ёзувчи шу тариха ўз юртига етиб келган эди.

Польша муслиқий маданиятини оламга машҳур этган Фредерик Шопен ҳам шу ерда қаза қилган. Унинг жасади Францияда, юрғи эса Варшавада эканини биламиз. Парижликлар ўша мотам кунлари буюк ватандошлари Эжен Делакруа айтган сўзларни эслаб туришар экан: «Афсус. Қанчадан-қанча абадлар, муттаҳамлар юрaversа-да, Шопендек ажойиб шахснинг порлаб турган юлдузи ўчса...»

Польшада турилган, лекин умрининг деярли ярмини Францияда ўтказган Фредерик Шопен онаси Людвёка Парижга келганида васият қилган эди: «Биламан, вафотимдан кейин жасадимни Варшавага олиб кетишга руҳсат беришмайди; шундай экан, у ерга жила бўлмаса юрагимни элтиб қўйинглар». Шундай қилишди. Варшавадаги «Муқаддас хоч (крест)» ибодатхонасининг ҳашаматли пештоқ устунларининг бирида композитор ва пианино устаси Шопеннинг юраги сақланади. Фашизм бу ерга ҳамла қилганида Польша ватанпарварлари бу юрт ўғлини юрагини вақтинча у ердан олганлари, уруш шароитида сақлаганлари ва 1945 йили яна жойига авайлаб қўйганлари ҳақида уйлаганинда инсоннинг ўз юртига бўлган меҳри, садоқати қанчалик қилмигини яна бир бор ҳис эта-сан.

РЕЙН СОҲИЛИ — БЕТХОВЕН ВАТАНИ

Рейн соҳили кўм-кўк, озода. Бонн шаҳрида истикомат қилганлар бу дарё бўйида дам олишини бироз кузатдик.

Икки мўйсифид — чолу кампир энгил автомашинада келишди. Кўнгириклар, турли механизмлар ўрнатилган қармоқларини сувга ташладилар-да машина салонига қайтиб, магнитофон тинглаб ўтирдилар. Оқар сувга ташланган қармоқ ва бу чолу кампирлар ўртасида чамаси 18—20 метр масофа бор эди. Фурсат ўтмай маълум бўлди: балиқ қармоқчи тортганида механизм ҳаракатга келади, чироқ ёнади ёки ёқими овоз таралиб балиқчини оғохлантиради. Техникага, қулайликларга ўрганиб қолганлар шундай қилсалар керак-да...

Бу ердагилар ўзларига тўқ, қийим-кечаги бут, хотиржам яшашлари кўзга ташланади. Майсозорларни, топ-тоза дарахтларни, унча серкатош бўлмаган кўчаларни кўриб Европа мамлакатининг пойтахтида эканлигини ҳам унутмасиз. Ҳатто, трамвай юрадиган пўлат изларнинг орасида ҳам темир-бетон ёки асфалтни эмас, атайлаб экилган, парвариш қилинган майса, ўт-ўлан энгил шабадада аста тебраниб турганини кўрасиз...

Лекин биз учун Бонн аввало Людвиг ван Бетховен ватани. У таваллуд топган шаҳар. Унинг симфонияларини, сонаталарини тинглаган, севиб қолган киши ҳе қачон ёмонлик қилмайди, дейишадди.

Шундай уйлар билан Рейн бўйида узоқ сайр қилдик. Хаёлимизни сувнинг шовқини, аҳн-аҳенда учраган балиқчилар ва уларнинг ярақлаб турган «Мерседес»лари эмас, Бетховен-

нинг ушалмаган орзулари, эшитиш қобилиятини йўқотган композиторнинг азоб-уқубатлари, ниҳоят «Сўзлашув дафтарлари» банд қилди.

Ваҳоланки, кечинмаларини аввало товush, муслиқа орқали ифода этадиган санъаткор эшитмай қолиши фожиянинг ўзгирасида... Илож топилмади, қулоғига сунъий эшитиш аппарати кўйганида ҳам дўстлари билан мулоқотда қийналди. Шунда у «Сўзлашув дафтари»дан фойдаланди. Енида ҳаммиша кўп вақтлари дафтар ва қалин, синмайдиган қалам олиб юрди. Шу тариха қисқа савол-жавоб, айтилган мулоҳаза, замйир фикрларнинг барча-барчаси шу «Сўзлашув дафтари»га туширилаверди. 400 дафтар ёзувга тўлди. Муштарий бу манба ҳақида батафсилроқ тушунча олишни истаса, кейинги мақоламизда ўша «Сўзлашув дафтари»нинг пайдо бўлиши, мазмуни, унинг атрофидаги тортишувлар, ҳаттоки савдолашишлар ҳақида батафсил хижоа қилишга уриниб кўраимиз. Зеро, Бонн, Келн, Дюссельдорфда бўлганимизда бу тарихий ҳужжатнинг тақдирини билан ҳам қизиқдик. Бугун эса ўша «Дафтар»дан бир-икки давҳа келтирамиз, қисқа изоҳ бериб ўтаимиз.

«Сўзлашув дафтари» фақат Бетховеннинг саволлари мулоҳазалари эмас, унинг ҳамроҳларининг жавоблари, кузатишлари, маслаҳатлари, маълумотлари, табриқлари, мактов сўзлари бой. Бинобарин, у буюк санъаткор яшаган муҳитга таъриф беради, немис фуқароларига эса, хоржий маданият ар-бобларининг Людвиг ван Бетховенга бўлган муносабатини кўрсатади.


Ресторанда Бетховен билан суҳбатлашиб ўтирган Олива «Дафтар»га ёзади: «Нариги стол атрофида ўтирганлар сизнинг портретингиз ҳақида гапиришпти. Худди ўзгираси дейишпти» (гап рассом Шталер чизган Бетховеннинг портрети ҳақида кетаяпти.) «Орқа томонда бир рассом ўтирибди. У расмингизни чизмоқчи...» Худди шу ерда суҳбатдош Олива немисчадан лотинчага ўтиб «Silentium» (яъни, «сўкунат»), «жимжитлик» сўзини ёзган ва қўшиб қўйган: «Деворнинг ҳам қулоғи бор, шубҳа уйғотадиган кишилардан эҳтиёт бўлинг. Ҳозир ҳам баъзи мавзуларда фикр алмашганимизда атрофдагилар сергакланаётганини кўрдим. Жим ўтираемиз энди. Бир-биримиз билан муомала қилсак, ресторандагилар гапини йиғиштириб: «Бизни кузатиш билан овора бўлаяпти...» Бетховен ёнига актёрлар келиб, унга илик сўзлар айтганини, ҳис-туйғу, эхтирс етишмаган бир дирижёрни танқид қилишларини ҳам шу «дафтар»дан билиш мумкин.

Яна бир саҳифада Италиянинг машҳур композитори Россини ўзининг немис ҳамкасбининг ҳурмат қилиши қайд этилган. Моцартнинг ўғли Бетховен хонадонига таъриф буюрганида эса унга (Бетховенга) Моцарт отаси (Волфганг Амадей Моцарт) ҳақида кетма-кет савол беришадди:

«Портретда Моцартнинг қиёфаси тўғри акс этганими?... Ўғли отасига ўхшайдими?»

Оливанинг Бетховенга қарата ёзганлари (ресторанда): «Хўя анави, кўк костопада ўтирган киши ўн саккиз ёшида олдидан ўтирган семиз кампирга уйланган. Кампирнинг пули деб бу ишни қилган. Навқирон, кўркам йигит эди ўшанда. Эндичи? Чолинг ўзи, қаранг, юзида ҳаётнинг бирорта аломати кўринмайди...» Бетховен официант узатган ҳисоб-китоб қоғози билан танишганидан сўн «Дафтар»га «Тўғри ҳисоблабсиз. Кечки овқат вноисиз 2,27 фл. Лаззатли таом. Лекин жуда қиммат... Бу ерда жуда исб кетдим. Кетайлик... Шаҳар кезамизми?» деб ёзган, яъни официантга ва ҳамроҳи Оливага айтган.

Давоми тўртинчи бетда



НАВРУЗ ЧОДИРЛАРИ ҚУРИЛДИ

Қир устида чодир кўрсам, юрагим тўлқинлиб кетади. У осмоннинг белгисиз қаватларидан тушган афсонавий кемага ўхшайди. Аждод-боболаримиз чодирни ихтиро қилганлар ва чодирларда соғлом, эркин ўсганлар. Уларнинг жўмард, эран, жасур бўлганликлариде чодирларнинг ўрни қанчалар экан? Чодир уларни табиатнинг ўзига яқин қилган, шамолларга, нур ва шўъла океанларига, бу океанларда ҳар дамда рўй бериб турган турфа ўйинларга яқин қилган. Чодирлардан турғун-бутун шаҳарлар боий қилганлар ва бу турфа фусункор шаҳарлар бугун Бойкўлда бўлса, эртага Болқонда тикилган... чодир, шамол, эркинлик, табиат... Одамга қанчалар яқин улар. Бекорга биз ўзбеклар кўп туркигўйлар каби юрт тушунчасини чодир билан боғламаймиз. Зотан, аждодлар чодирни — кичик Ватан деб билганлар ва ўз турфа, алван чодирлариде худди парвоз қилаётгандек яшаганлар. Кўк гумбазга чодир гумбазини мослаганлар. Чодирлар йиғилиб ўрда бўлган. Чодир ва ўрда сўзларининг ақинлигини ҳис қилаясизми? Олтин ўрда, Кўк ўрда, Мовий ўрда...

Бугун у чодирлар ва улардан ҳам бўлган ўрдалар йўқ. Бугун гўзал, тикланиб келаятган шаън руҳли, омонлик ўзбек шаҳарлари бор. Биз шаҳарларимизнинг қудратли ва тақрорланмас қиёфага эга бўлишларини истаимиз.

Наврўз боис шаҳарларимизга қадимлардан йўл боисиб, чодирларимиз ҳам кириб келаяпти.

Уларда халқ хунармандлари не турфа санъатларини намойиш қилаётлар!

Кел, чодирим, ҳаммиша ҳилпираб, кўзимизни қувнатиб тур!

ОЛИМПГАР ТАБАССУМИ

МУТОЙИБЛАРДАН

Ўзбекистон фанлар академияси тил ва адабиёт институти деб аталмиш мўтабар даргоҳга илк бор талабалик йилларида қадам қўйганим...

Нихоят, устозим Александр Боровков ва раҳнома Азиз Қамолов раҳбарлиги билан шу жамоа аъзоси бўлиб...

Институтда кўраганим ёки эшитганим — табассум бағишловчи воқеалар кўп бўлган. Бу олтин давр давом этмади...

ТУФЛИНИ УЛУҒЛАГАН ҚАДАҲ

1955 йил Изаат Султон доғда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (у вақтда секретари дейилар эди) муовини вазифасини ҳам бажарар эканлар...

«ХЛЕБЦИ КАПУТ»

1969 йилнинг сентябр ойида бутун дунё олтойшунос — туркийшуносларнинг 11 конгресси Шарқий Берлинда — Гумбольдт университетидеда ўтган эди...

экан. Марат Кўптилевич билан Собир Камолов бошқа-бошқа хоналарга тушиб қўлинибди...

Хай, Берлинга борганимизнинг учинчи кунини, Марат ака азонлаб очкиб қўлибдилар. Қарасалар, хлебцидан ҳеч нарса қолмаган экан...

СУЮҚ ОВҚАТНИ ҚАНДАЙ ИЧАДИЛАР?

Немислар суяқ овқатни бизга ўшаб коса ёки ўрлардайд чўқур тарелкада ичмас экан...

Сорохон ОТАМИРЗАЕВА

ҲАР КИМНИНГ СЎЗЛАШУВ ДАФТАРИ БЎЛСИН...

(Боши учинчи бетда)

Йўлга тушдилар. Людвиг Бетховен толиқди шекилли. Бир уриндикка ўтириб дам оломоқчи бўлди. Ҳамроҳи, суҳбатдоши кўнамади...

Людвиг Бетховеннинг қарамоғида ва тарбиясида бўлган жиғини Карл ҳақида ёзди: «Менга қанча азоб бераётганини унга (Карлга) эслатиб қўйинг...»

«Жамиятни қиролга ўхшатаман. Қирол ҳам, жамият ҳам ҳушомадни яхши қуради. Бунинг авазига у саҳийлик билан мурувватини ёғдиради...

Шундай қилиб, «Сўзлашув дафтари» фақат хонада, ижодхонада эмас, кўчада, ресторанда, учрашув дақиқаларида ҳам ёзувларга эътибор қўлиб борган...

«Сўзлашув дафтари» Бетховен барҳайт бўлган йиллардаёқ кетса-кетса қадрланганини композиционнинг замондоши Грилларцнинг мана бу сўзларидан билиш мумкин...

ЧИНГИЗ ОҒАНИНГ БРОССЕЛДА АЙТГАНЛАРИ

Хис-ҳаяжонга, фикр-мулоҳазага тўлиб-тошган дамларингда ёнингда дўстинг, маслақдошинг, ақл-заковатли суҳбатдошинг бўлганига нима этсин!

Бу гал ҳам омадди келди. Замонамизнинг мутафаккири адиби Чингиз Айтматов билан ўша китъаннинг маркази — Брюсселда учрашиб суҳбатлашдик...

Чингиз Тўрақуллович, Антверпенда Рубенсинг уйи, Андерлехтда ван Роттердамнинг бўғмлари, китоблари, уйи жиҳозлари, Германияда Бетховеннинг «Сўзлашув дафтари» сақланиб қолган...

Уша суҳбат давомида айрим масалаларга аниқлик киритилгандек бўлди. Людвин кўча тарихи у ёлда турган, яқин ўтмиш сиймолири — Фитратнинг бой кутубхонаси...

Уша суҳбат давомида айрим масалаларга аниқлик киритилгандек бўлди. Людвин кўча тарихи у ёлда турган, яқин ўтмиш сиймолири — Фитратнинг бой кутубхонаси...

Ҳамидулла АҚБАРОВ Бонн-Париж-Брюссел.



ҚИЗЧА ВА СУМАЛАК

Наврўз — шунчаки байрам эмас. У хунларимиз байрами. Қўшиқларимиз байрами. Топкирликларимиз, зехн-заковатимиз байрами...



арзимайдими? Шу табассум бор экан, яшамок, ҳаёт гўзал эмасми? Суратлар муаллифи Содиқ Маҳмамов

Сабо, еткур саломимини

ҚОРА ХАЁЛ ҚУТҚУСИ

Хурматли «МТ» таҳририяти.

Мен газетангизнинг ўтган 10 март (134) сонида «Ғайбия» руқни остида ҳустили Саловат Маҳмудовнинг фавқуллоҳда қобилияти ҳақидаги мақолани ва у кишининг шеърларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим...

Маълумки, бундан бир неча йил бурун матбуот саҳифаларида ҳар хил ғаройиб ҳодиса ва кишилар ҳақида турли шов-шувлар кўтарилган эди. Вақт ўтиши билан учар жисмлар, ўзга олам вакиллари ва турли экстрасенс...

Кинот сирга тўла. Инсон зоти дунёнинг сир-асрорини ҳеч қачон еча олмайдми. Шундай экан, С. Маҳмудовнинг гапларига ишонмасликка ҳеч қандай асос йўқ...

Талабалик йилларимда менинг хоразмлик галати табиати бир ўртоғим бор эди. Унинг ғаройиб қилиқ ва кечмиши бутун институтга маълум ва машҳур эди. У шонрттабиат йиғит бўлиб, дуппа-дуруст шеърлар ёзар ва буларда илоҳий бир ишоратлар бор деб, ўзини бошқача тугтарди...

Энди ҳулоса қилсам, мени кечирасизлару С. Маҳмудов ҳам қора ҳаёл кутқуси билан фикрланишларини қилган. Бу менинг шахсий қарашим, албатта. Аммо мен таҳририят бу мавзунини ёритиб жуда тўғри йўл тутган деб ўйлайман...

Шерпўлат ЖУМАНОВ, Чирчиқ шаҳри

ТАҲРИРИЯТДАН:


Газета чоп этилиши арафасида Сурхондарёдан бир мухлисимиз қўнғироқ қилиб, Олтинсой туманида бир товуқ арбабий қалима ёзилган мўмин туққанини маълум қилди. Бу гапнинг қанчалик ростлигига деб ҳозирча қанолат беролмаймиз...

Кунингиз хайрли бўлсин!

БАҲОР ТАҚВИМИ

Милоннинг 1998 йил 21 мартдан шамсий ҳижрийнинг 1377-йили бошланади. Бу кун Ҳамал ойининг биринчи кунини бўлиб, «Наврўз» деб аталади. Баҳор ойлари Ҳамал, Савр ва Жавзодир...

Table with 6 columns: Day, 1-21m, 8-28m, 15-4a, 22-11a, 29-18a. Rows include months like Шанба, Яқшанба, Душанба, Сешанба, Чоршанба, Пайшанба, Жума.



Тузувчи: Алийбег Рустамий

Юлдузхона

ЗОЙИЧАНГИЗГА ҚАРАБ ҚҮЯСИЗМИ?

Мунажжимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 19—21 март кунлари Ой Қавс буржи манзилига киради. Наврўзни шу манзилда қаршилайди. Одамда ишон ва умидворлик кайфиятлари ортади...

19—21 март кунлари Ой Қавс буржи манзилига киради. Наврўзни шу манзилда қаршилайди. Одамда ишон ва умидворлик кайфиятлари ортади. Хуқуқий, адлия ишларини ҳал қилиш йўллари очилади...

21 март кунини эса Ой Жадий буржида манзил қуради. Обру-этибор, ихтисос билан болглик муваффақиятлар, янги босқичга кўтарилиш имкониятлари туғилади...

Advertisement for 'Milliy Tiklanish Demokratik Partiyasi' (Milliy Tiklanish Demokratik Partiyasi). Includes contact information: Bo'sh muharrir: Ibrohim FAFUROV, GAZETA 136-raqam bilan ruyxatdan utgan, Buxorim: G-01086, Sotuvda narxi erkin, Xajmi 2 bosma tabok, Saхifalovchi: Xolida Isloмова, Gazeta IBM kompiuterida terimldi va saхifalandi.